

UZBEKISTAN



СУРХОНДАРЁ

ЖАННАТМАКОН ЎЛКАГА МАРҲАМАТ!

uzbekistan.travel





СУРХОНДАРЁ

Бу ажойиб табиат, чуқур ғорлар ва ёрқин
контрастлар ўлкаси

Ландшафтнинг шу қадар тез ўзгаришини бошқа
ҳеч бир вилоятда учратмайсиз

Сурхондарё воҳаси шимол ва шарқдан тоғлар билан ўралган
чуқурликлар, жанубдан эса Марказий Осиёнинг энг тошқин дарёси -
Амударё билан чегараланган



МУҶДАРИҶА

Термиз, жануб гавҳари	08
Халқ орасида Термиз ота	10
Термиз ва термизийлар	12
Тарамастха	14
Пайғамбар ороли	16
Александр Невский православ черкови	18
Айритом	20
Кхабевака вихара шоҳлар монастири	22
Аслзодалар базми	26
Тохар маликалари	28
Бойсун	30
Қоронғу юлдуз	32
Маъданли сув булоғи	34
ЮНЕСКО химоясига олинган марказ	36
Шеробод	38
Сеҳрли ов маросими	40
Табиат инъом этган шифо маскани	42
Метеоритли қўл	44
Бетакрор табиат тухфаси	46
Сариосиё	48
Сув ресурслари	50
Ҳам зиёрат, ҳам табобат	52
Ер ости мўъжизаси	54
Маданий кўнгилоҷар тадбирлар ва миллий халқ ўйинлари	56
Моҳир чавандозлар халқ ўйини кўпқари	58
Миллий таомлар	60
Бахшичилик ва фольклор санъати	64
Халқ амалий санъати	66

A large, faint, light-colored geometric pattern is visible on the left side of the page. It consists of interlocking lines forming a complex, star-like or lattice structure, with several circular motifs integrated into the design. The pattern is centered vertically and horizontally on the left half of the page.

ЖАҢНАТМАКОН ҮЛКАГА
МАРҲАМАТ!

Сурхондарё – Ўзбекистоннинг жанубий ўлкаси, у ўзининг қулай географик ўрни ва табиий шароити билан қадимдан одамларни ўзига жалб қилиб келган. Унда йилнинг 4 та фаслини кузатиш мумкин, шу боис бу ҳудудда барча нарсани учратиш мумкин. Бу ўлкага ташриф буюрган ҳар бир инсон, аввало унинг бетакрор ва гўзал табиатидан баҳра олиб, ҳайратдан лол қолади. Шимолдан жанубга томон қияланиб келган ландшафти, виқор тортиб турган Ҳисор тоғ тизмаси, бепоён адирликларию, кенг ясси текисликлари, турли тарихий даврларда шаклланган ранг-баранг маданияти унинг жозибасига жозиба қўшади.

Иқлими субконтинентал бўлиб, киш илик, ёзи эса иссиқ ва қуруқ бўлиб, кундуз кунлари ҳаво ҳарорати 44–46, баъзида эса 50 даражагача кўтарилади.

Киш мавсумида қор жуда ҳам кам тушиб, дарҳол эриб кетади. Жануби-ғарбий томондан эса тез-тез қуруқ «Афғон» шамоли эсиб туради. Тоғларнинг баъзи жойларида арча, ёнғоқ, бодом, шумтол, қайрағоч, pista дарахтлари ўсиб, бой ўсимлик дунёсини яратади. Текисликлардаги асосий ўсимлик қатламини баҳорда кўкариб, ёзда қуриб кетадиган ўт-ўланлар ташкил этади. Амударё водийсида, айниқса Пайҳамбар оролида қамиш ўсиб ётади.



Сурхондарё. Жаннат макон, ўлкага марҳамат!

СУРХОНДАРЁ

ТЕРМИЗ, ЖАШУБ ГАВҲАРИ

Сурхондарё вилоятининг ички ва ташқи транспорт алоқаларида автомобиль йўллариининг роли бекиёс. Шу боис, вилоят аҳолиси ва сайёҳларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, Термиз, Денов, Шерободдан бир қанча хорижий мамлакатлар ва юртимизнинг турли бурчакларига автомобиль транспортининг узлуксиз қатнови йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Термиз–Тошкент темир йўли ва тезюрар поездлари, Термиз–Тошкент–Андижон, Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон темир йўли ва Амударё устидан ўтган Ҳайратон темир йўл кўприклариининг мавжудлиги нафақат вилоят, балки бутун республика ва қўшни давлатлараро хомашё ҳамда товар айирбошлаш, йўловчи ташиш ҳажмининг кескин қўпайишига замин яратмоқда.

Термиз халқаро аэропортидан мамлакатимиз пойтахти Тошкентга, шунингдек Самарқанд, Наманган, Бухоро, Андижон шаҳарларига, хорижий йўналишда эса Москва, Санкт-Петербург ва Ашхободга замонавий ҳаво лайнерлари қатнови йўлга қўйилган. Вилоятда республикада ягона бўлган Термиз дарё порти жойлашган.

Бу эса, ўз навбатида Термиз шаҳри ва Шеробод, Бойсун туманларида sanoat, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳасининг ривожига ўз хиссасини қўшиб келмоқда.



Сурхондарё. Жаннат макон, ўлкага марҳамат!

ХАЛҚ ОРАСИДА ТЕРМИЗ ОТА

Термизий қаламига мансуб асарлар кўп. У 400 дан ортик асар ёзган, улардан 60 га яқини бизгача етиб келган. Улар орасида Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларига бағишланган:

–«Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул» (Расулulloх хабарларини билишда нодир усуллар);

–«Китоб ҳақиқат ал-одамия» (Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб);

–«Адаб ун-нафс» (Нафс одоби);

–«Китоб ул-ҳаж ва асрориҳи» (Ҳаж ва унинг сирлари);

–«Китоб ус-соалот ва макосидуҳо» (Намоз ва унинг мақсадлари);

–«Китоб ул-жума аллозим маърифатиҳо» (Билиш лозим бўлган жумлалар);

–«Хатм ул-авлиё» каби асарлар машҳур.

«Хатм ул-авлиё» асарида Термизийнинг валийлик ҳақидаги қарашлари кенг баён қилинган. Валийликнинг ҳаққонийлиги, унинг нубувват (пайғамбарлик) билан боғлиқ бўлган жиҳатлари асарнинг бош мавзуси ҳисобланади. Термизийнинг фикрича, ақл-заковат ўзлаштира оладиган энг олий билим-маърифат ёки ҳикматдир, бу – инсон қалбини ёритувчи «илохий нур»дир. Турфа илмларни ўқиб-ўрганиш жараёнида уни эгаллаш мумкин, аммо асл маърифат Аллоҳнинг ўзи ёрлақанган зотларгагина насиб этади. Термизий сўфий авлиёларни ана шундай зотлар сирасига киритади. Илм-фаннинг турли соҳаларида машҳур бўлганлиги учун Термизийни замондошлари «ал-Ҳаким» деб улуғлашган. Ал-Ҳаким ат-Термизий IX аср охири X аср бошларида вафот этган. Унинг қабри устида мақбара қурилган ва мана шу мақбара атрофида IX–XV асрларда ал-Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуаси бунёд этилган. Масжид, мақбара, хонақоҳ, қорихона каби бинолардан иборат ушбу мажмуа турли даврларда қурилган.

Дастлаб хом ғиштдан Ҳаким Термизийнинг ўзи мудар-

рислик қилган хонақоҳ қурилган. Алломанинг вафотидан сўнг, унинг қабри устида мақбара қурилиб, муқаддас зиёратгоҳга айланган. Мақбара шимолида XI–XII асрларда 3 гумбазли, равоқли йўлак кўринишидаги намозгоҳ масжиди ҳамда бир неча кўшимча хоналар қўшилган. Масжиднинг ғарбий девори марказида кенг хошияли меҳроб бор. Ундаги бўртма ёзув, сопол шакллар, оралик заминидаги 10 ўйма ганч безаклар ўзига хос. Масжид устунлари ғиштдан безакли қилиб терилган. Масжиддан равоқ орқали мақбарига ўтилган. Мақбара ичи ганч ўймақорлигида, гилам нусха безакда серҳашам пардозланган. Мақбара ичидаги оқ мрамор сағана темурийлар давридаги тош ўймақорлиги санъатининг юксак намунасидир. Сағана 3 поғонали бўлиб; асоси исломий нақш ва ёзувли хошиялар билан, ўрта қисмидаги 3 меҳробий токчанинг марказий (ўрта) қисми муқарнас косачалар билан, 2 ёни шамчироқ тасвири билан безатилган. Сағанадаги ёзувларда Термизий ҳаёти ва фаолияти тавсифланган. Темурийлар ҳукмронлиги даврида, яъни XV асрда хонақоҳ баланд асос (баландлиги 1,5 м.) устига пишик ғиштдан қайта қурилган.



АТ-ТЕРМИЗИЙ МУЗЕЙИ

ТЕРМИЗ ВА ТЕРМИЗИЙЛАР ТАРИХИЙ МЕРОСИ МУЗЕЙИ

Султон Саодат мажмуаси – Термиз сайидлари, яъни пайғамбар авлодларининг дахмалари жойлашган маҳобатли мақбаралар мажмуаси ҳисобланади. IX асрда, Ватанимиз равнақига катта ҳисса қўшган Термиз сайидлари хонадони шаклланади. Марказий Осиё сайидларининг қўпчилиги ўзларининг келиб чиқишини шу хонадон билан боғлайдилар. Ривоятларга кўра, Термиз сайидлари Муҳаммад пайғамбарнинг қизи биби Фотиманинг ўғли имом Хусайннинг 5-авлоди бўлган Ҳасан ал-Амирга бориб тақалади. Ҳасан ал-Амир ўзининг яқинлари билан 850 йилда Самарқандга келади ва у ерда ўн бир йил яшаб, Балхга кўчади. Тахминан 865 йилда Ҳасан ал-Амир Термизга кўчиб келади ва шу ерда бутунлай ўрнашиб катта бўлган. Улардан Абу ал-Маали ва Али Акбарлар Соҳибқироннинг ҳарбий юришларида қатнашган. Амир Темури Ҳиндистонга қилинган юришларида доимо Термиз сайидлари хонадониди тўхтаб, 2–3 кун уларнинг меҳмони бўлган. Қачонлардир Султон Саодат мажмуасининг бир қисми ҳисобланган, ҳозирда сақланмаган, Амир Темури томонидан бунёд этилган хонақоҳ, унинг Термиз сайидларига кўрсатган ҳурмати намунаси дир.

Султон Саодат мажмуаси – Термиздаги меъморий ёдгорлик бўлиб, XII–XVII асрларда бунёд этилган. Мақбара қурилиши узунлиги 70 метрлик ҳовлида қурилган.

Қурилишнинг бош биноси ғарбда жойлашган. Термизнинг шимоли-шарқда жойлашган бу зиёратгоҳ етти аср давомида шаклланган ва йигирмага яқин мақбараларни ўз ичига олади. Унда сайидлар сулоласининг мақбаралари жойлашган.

Халқ орасида Султон Саодат мақбараси номи билан машҳур бўлган мақбаралар XII асрда, қолганлари, асосан,

XV–XVII асрларда ёнма-ён қурилиб, узун ҳовлининг икки томонини эгаллаган. Мажмуа мустақилликдан кейин таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилган.



ТАРАМАСТХА

Тармита – Термиз шаҳар-қалъасига мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида асос солинган. Шаҳарнинг номи қадимги бақтр тилидаги «Таго Маetha» сўзидан олинган бўлиб, у «дарёнинг нариги соҳилидаги манзилгоҳ» деган маънони билдиради. Мил. авв. 327 йилда Александр Македонский бу қалъага Окс бўйидаги Александрия шаҳри деб ном берганлиги олимлар томонидан эътироф этилади. Мил. авв III асрда шаҳар Антиоксия – Тармита деб аталган. Термиз IV–V аср арман манбаларида «Drmat», VII асрга оид хитой манбаларида «Tami» номи билан қайд қилинган.

IX–XII асрларга оид араб-форс манбаларида шаҳарнинг номи «Tarmid», «Tarmiz» ва «Tirmiz» кўринишида ёзилган.

Юнон – Бактрия подшоҳлиги ҳукмронлиги даври (мил. авв. III–II асрлар) да Термиз Бактриянинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, у ўлканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Бу даврда шаҳар 10 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган ва у Шимолий Бактриянинг энг йирик марказларидан бири ҳисобланган. Кушонлар даврида Термиз Бактриянинг ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Шаҳарда кўплаб маҳобатли маъмурий ва ижтимоий бинолар барпо этилган, хунармандчиликнинг турли соҳалари, савдо сотиқ равнақ топган. Шаҳар Амударё бўйидаги асосий порт шаҳрига айланган. Шаҳар портидан чиққан катта қайиқ ва кемалар қадимги Хоразм ва ундан Узбой орқали Каспий денгизигача сузиб борган. Кушонлар даврида Термиз шаҳри буддавийлик дини ва маданиятининг Ўрта Осиёдаги энг йирик маркази саналган. Термиз шаҳри Кушон салтанатининг илм-фан ривожланган марказларидан бири ҳисобланган. Кушонлар салтанати инкирозга учрагач, шаҳар алоҳида ҳокимлик сифатида маълум вақт сосонийлар, эфталийлар кейинчалик Турк ҳоконлиги таркибига кирган. VIII аср бошларида Термиз шаҳри араб халифалигига кўшиб олинган. IX асрда

шаҳар сомонийлар давлати, XI–XII асрларда ғазнавийлар, қорахонийлар, салжукийлар давлати таркибига кирган. Бу даврда Термиз шаҳри ҳар томонлама равнақ топган. Шаҳар уч таркибий қисм – қалъа, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлиб, 500 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган. Шаҳарда кўплаб янги маъмурий бинолар, masjidлар бунёд этилиб, кенг кўламда ободончилик ишлари олиб борилган. Шаҳарда хунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланган. Термиз хунармандлари тайёрлаган кўплаб маҳсулотлар узок ўлкаларда ҳам жуда харидорғир бўлган. Хусусан, Термиз совунлари, атторлик буюмлари ва қайиқлари Шарқ мамлакатларида ғоятда қадрланган. Ўрта аср муаллифлари Термизни Шимолий Тоҳаристоннинг иқтисодий ва маданий маркази деб таъкидлашган. Бу даврда Термизда ислом дунёсида машҳур кўплаб аллома ва шоирлар яшаб ижод этган. Ҳадисшунос аллома Абу Исо ат-Термизий, комусий олим ва аллома Ҳаким ат-Термизий, шоир Собир Термизийлар шулар жумласидандир. 1220 йил кузида Термиз шаҳри Чингизхон кўшинлари томонидан забт этилиб, вайрон қилинган. Термиз аҳолиси босқинчиларга мардона қаршилик кўрсатганлиги учун шаҳар «Мадинат ур-рижол», яъни «эрлар шаҳри» деб улуғланган.



Сурхондарё. Жаннатмакон ӯлкага марҳамат!

ПАЙҒАМБАР ОРОЛИ

ЗУЛКИФЛ МАҚБАРАСИ – XI–XII асрларга оид Термиз яқинидаги меъморий ёдгорлик. Ривоят қилинишича, бу ерга Қуръони каримда номлари тилга олинган 25 пайғамбарлардан бири Зулкифл пайғамбар дафн этилган. Зулкифл мил. авв. VII–VI асрларда яшаб ўтган тарихий шахс ҳисобланади. Унинг қабри Ироқнинг Кифл шаҳрида жойлашган, Ғазнавийлар даврида Зулкифл қабри оролга кўчириб келтирилган ва мақбара ҳамда масжид барпо этилган. Тарихий манбаларда 992–993 йилларда вафот этган аббосийларнинг атокли лашкарбошларидан Исҳоқ ибн Кунтож ҳам шу ерда дафн этилгани қайд қилинган. Амударёдаги Пайғамбар оролининг жанубий қисмида жойлашган масжид, қабрхона ва уларга туташ 2 хонадан иборат. Бинолар турли даврларда бунёд этилган. Масжид мурабба тархли, гумбазли, олди пештокли.

Меҳробига ганчкори гирих нақш ишланган. Қабрхона масжид сатҳидан 1 метрча баланд қилиб қурилган, унда сағана сақланган. Қабрхонанинг икки эшиги орқали туташ қурилган икки хонага ўтилади. Хоналар деворига ғиштлар мавжли шаклда терилган. Ривоятларга кўра, Амударёнинг нариги соҳилида яшаган пайғамбарсифат бир киши вафоти олдидан ўз муридларига васият қилади. Васиятида «ўлсам тобутимни Амударёга оқизинглар. Тобутим қаерга тўхтаса, ўша ерга дафн қилинглар» дейди. Ул шахс вафотидан сўнг, унинг шогирдлари васиятини бажариб, тобутни дарёга оқизади.

Аллоҳни инояти ила Амударёнинг суви қанчалар серсув ва тез оқишига қарамай, тобут сувга қарама-қарши оқа бошлайди. Бундан ҳайратланган муридлар тобутни дарё ёқалаб кузатиб боришади. Амударё дарёси иккига бўлиниб, ҳосил бўлган орол-чага яқинлашгач, тобут шу жойда тўхтайти ва ваҳий келади «юқорида ул зот ётибдики, ҳатто тобутим ҳам ул зотдан хатлаб ўтолмайди». Бу Ҳаким ат-Термизийга нисбатан келган ваҳий эди. Тобут ўша оролчага дафн этилгач, маҳаллий аҳоли томонидан ушбу орол «Пайғамбар ороли» деб юритила бошлайди.



Сурхондарё. Жаннатмақон ўлкага марҳамат!

АЛЕКСАНДР НЕВСКИЙ ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВИ

Александр Невский православ черковига 1904–1905 йилда харбий ибодатхоналар намунавий лойиҳаси бўйича асос солинган. Сигими катталиги 1500 кишига мўлжалланган. 1927 йилда ибодатхона ёпилган. Орадан бир оз вақт ўтиб, кўнғироқ минораси бузиб ташланган. Кейинчалик ибодатхона қурол-аслаҳа сақланадиган омбор, харбий госпитал ва спорт зал вазифасини бажарган.

1990 йилда ибодатхона биноси Россия православ черковига қайтарилиб, қайтадан авлиё княз Александр Невский номига муқаддаслаштирилган. 2000 йилларда черков меҳроби бош қисми тикланиб, том қисми янгиланган. Бугунги кунда ибодатхона доимий оммавий зиёратчилар учун очик бўлиб, черковни барча зиёрат қилиши мумкин.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!



АЙРИТОМ

Ўзбек халқининг қадимий тарихи ва маданиятидан гувоҳлик берувчи кўҳна шаҳар харобаси. Термиз шаҳридан 18 км шарқда, Амударё қирғоғида жойлашган.

Дастлаб, 1932 йилда Айритом яқинида Амударё тубидан одам хайкалчалари ишланган фриз парчалари топилган. 1933 йил яна 7 та фриз бўлаклари ҳамда будда ибодатхонаси харобаси топилган. Фриزلар I–II асрларга оид бўлиб, уларда кўшнай, чилтор, уд, ноғора чалаётган созандалар ва гулчамбарлар, мева солинган идишлар кўтариб олган йигит-қизлар ифодаланган. Айритом фриз (шарафа)ларида «Париннирвана – жатака» билан боғлиқ сахна акс эттирилган. Ҳинд ривоятларига кўра, бешта буюк мусиқа асбобининг овози вафот этган Буддага мулойим оҳанглар билан ором бағишлаши, донатрислар эса уни охириги йўлга муаттар гуллар билан кузатиши лозим. Шуниси қизиқки, Айритомда топилган фризда ушбу афсонавий лавҳа маҳаллий аҳоли образлари орқали акс эттирилган бўлиб, бу жиҳат уни шу ерлик аҳоли тушунишини осонлаштирган. Бундан ташқари, Айритом фризида Гандҳара санъати билан яқин боғлиқлик борлиги аниқланган ва шу тариқа олимларнинг Кушон салтанати бўйлаб кенг тарқалган мислсиз тарихий-маданий воқелик сифатида гандҳара мактаби мавжуд бўлгани ҳақидаги фикрлари тасдиқланган. 1978 йилда Айритомдан юнон алифбосида 6 қатор қилиб битилган ёзуви бор хайкал таг курсиси топилган. Айритом моддий-маданий ёдгорликлари ўзбек халқининг кушонлар давридаги тарихини, маданий меросини, урф-одатларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.



ҚХАБЕВАҚА ВИХАРА – ШОҲЛАР МОҶАСТИРИ

Амударё сохилларида кўп асрлар давомида мунгли нигоҳи ила ястаниб ётган, кекса мозий сирларини ўзида жо этган сирли Қоратепа будда ғор ибодатхоналар мажмуи – Марказий Осиёдаги энг катта буддавийлик иншооти ҳисобланади. У Эски Термизнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган ва 1926–1928 йилларда аниқланган.

Обида 3 та табиий дўнгликда қурилган. Умумий майдони 8 га. Жанубий дўнгликда 15 дан зиёд ғор мажмуаси, ғарбий дўнгликдаги 5 тагача ғор мажмуаси бўлган. Шимолий дўнгликнинг шарқий қисмини ер юзасида жойлашган монументал мажмуа эгаллаган. Ғор ибодатхоналарини қуриш қоидалари ҳиндлардан ўзлаштирилган. Кейинроқ қурилганларида бақтрияликларнинг меъморий усуллари устун келади. Қоратепадаги дастлабки буддавий ибодатхона иншоотлари мил. аввалги I асрда қурила бошлаган. Қоратепанинг энг гуллаган даври милодий II–III асрларга тўғри келиб, бу пайтда ибодатхоналар кўплай қурилган, аввалгилари эса янгиланган ҳамда безатилган. Милодий III аср охирига келиб Қоратепа мажмуалари инкирозга юз тутуди ёки вайрон этилади. Бу сосонийларнинг Кушон давлатига қилган ҳарбий юришлари билан боғлиқ.

Айрим мажмуалар хоналарига оташкадалар ўрнатилган. Айни маҳалда Қоратепа мажмуасининг муайян қисми IV аср охири – V аср бошигача ишлаб турган. IV асрдаёқ Қоратепадаги қўплаб ташландик хоналар ва ғор ибодатхоналаридан қабр сифатида фойдаланилган, сўнг кириш жойлари хом ғишт билан ёпиб юборилган. Энг дастлабки қабрлар ёнида кушон-сосоний типидagi тангалар, Пероз тангалари ва унга тақлидан зарб қилинган тангалар учрайди, кейинги қабрларда эса V–VI асрлардаги Термиз ҳукмдорлари тангалари топилган, уларнинг бир томонида лангар тасвири туширилган. VII асрдан – XII асргача Қоратепадаги ярим кўмилган айрим хоналар ва ғорлардан зоҳидлар фойдаланишган. Қоратепадан қўплаб будда хайкаллари, Кушон подшолиги даврига оид сопол идишлар, коса ва кўзачалар, мис чакалар, оҳактошдан ишланган меъморий безаклар, плиталар, сополчирокдонлар топилган. Сосонийларнинг Кушон давлатига ҳарбий юришлари даврида Қоратепа манзилгоҳи вайрон этилган. Қоратепанинг жанубий ва шимолий тепаликлари тузилмаси роҳиблар учун хужралар, маросимлар учун иншоотлар ва йиғилиш ўтказиш учун заллар кўзда тутилган гуҳа туридаги ўзига хос ибодатхоналарга ўхшашдир. Шу боис Қоратепанинг ер ости ва устига қурилган ибодатхоналарида икки-уч нафар роҳиб хизмат кўрсатган, шу боис уларни кичкина ибодатхоналар қаторига киритиш мумкин.

Қоратепанинг шимолий баландлигидаги маҳобатли ибодатхона мажмуаси ҳажмига кўра, Кушон Бактрияси давридаги энг йирик будда иншоотларидан бири бўлган. Мажмуанинг шимолий қисмида жойлашган катта меъморий иншоот – ступа эса ибодатхонанинг меъморий маркази ҳисобланган. Ступанинг платформаси дунёнинг тўрт томонига қаратилган ҳолда қурилган. Иншоот ўз даврида бир неча марта таъмирланган ва қайта тикланган. Иншоотнинг ғарбий девори мармарсимон оҳактошдан тайёрланган тош фриزلар билан безатилган бўлиб, унинг қолдиқлари ступа платформасининг ғарбий томонларида қайд қилинган. Топилмаларга қараганда, фриз Будда ва бошқа илоҳий образларни ҳамда зодагонлар ҳаётини акс эттирувчи саҳифалар билан безатилган.

Мажмуанинг ибодатхона қисми катта ступанинг жанубида жойлашган. Ҳамма томонлари айвонлар билан ўралган катта тўртбурчак ҳовли унинг меъморий маркази

ҳисобланади. Мармарсимон оҳактошдан ясалган ва яхши сақланган устунлар тагсупаларининг салобатли ҳажми ҳовли айвонининг ҳашаматли бўлганидан далолат беради.

Ҳовли тўрт томондан куббасимон томли баланд айланма йўлаклар билан ўралган бўлиб, улар ҳовлини ёнма-ён деворлар оралиғида жойлашган ўтиш йўллари билан боғлаган. Шимолий ва ғарбий айланма йўлаклар бўйлаб гумбаз томли қатор кичкина тўртбурчак шаклдаги хужралар жойлашган.

Мажмуанинг ибодатхона қисми кўриниши ниҳоятда оддий бўлган, яъни лойсувоқ устидан юпқа қилиб ганч билан сувалган. Деворнинг томга ўтиш жойи бўртма арақи билан безатилган. Кўп ҳолларда деворлар қизил рангга бўялган. Бу ерда топилган моддий-маънавий ва бадиий артефактлар Термиз, Бактрия ва Марказий Осиёда буддавийлик тарихида катта аҳамият касб этиши билан бирга, умумжаҳон будда маданиятига қўшилган улкан ҳисса ҳисобланади. Улар буддавийликнинг Марказий Осиё жанубига кириб келиш вақтини, унинг бу ерда ривожланиш хусусиятларини аниқлаш, Бактриянинг қўшни минтақалардаги буддавийлик бадиий марказлари, биринчи навбатда, гандҳара мактаби билан маданий алоқаларини кузатиш имконини беради.





АСЛЗОДАЛАР БАЗМИ

Тошкент–Термиз автомобиль йўлидан 2 км шимоли-шарқда жойлашган, V–VII асрларга мансуб катта ер эгаси (дехкон) кўшки-қароргоҳи Ватанимиз ҳудудидаги жаҳонга машҳур археологик ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Болаликтепа илк бора 1953–1956 йилларда тўлиқ ўрганилган. V асрнинг охири – VI асрнинг бошида ҳовли вазифасини ўтаган бино марказий қисмида базм маросимларига бағишланган деворий суратлар топилган. Мазкур ёдгорликнинг деворларида илк ўрта асрлар даврига оид 47 та одам қиёфаси тасвирланган расмларда аслзодаларнинг зиёфат базми диний ва дунёвий мазмунда акс эттирилган. Маълумки, қўл ва бармоқлар ҳолатлари билан тасвирий санъатда маросим ва базмлардаги шахсларнинг ҳаёлий кечинмалари ҳам берилган. Болаликтепа суратларида одамларнинг либослари, тақинчоқлари, елпиғичлар, қўлларида ушлаб турган қадахлар юксак маҳорат билан чизилган.

Турли рангдаги халат-камзуллар учбурчак ўнг қайрилма ёқали бўлиб, ранглар тиниқлигига кўра, у ипак матодан тикилган. Матолар уч ва тўрт япроқли, хандасавий ёки ҳайвон шаклдаги нақшлар билан безатилган. Кулоқ, бўйин тақинчоқлар ҳатто қўлда ушлаб турилган қадахлар зарҳал рангда тасвирланган. Бу уларни олтиндан ясалганлигини билдиради. Расмларда одамларнинг тасвири ҳам юксак маҳорат билан чизилган. Уларнинг юз кўриниши ва этник тузилиши уларни туркий қиёфадаги маҳаллий аҳоли – тохарлар деб қарашимизга асос бўлади.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!


ТОХАР МАЛИҚАЛАРИ

Илк ўрта асрларда Сурхондарё маданияти юксак ривожланганлиги билан ажралиб туради. Шеробод тумани ҳудудида жойлашган Тавка божхона қўрғони бу даврнинг энг муҳим ёдгорликларидан саналади. Ушбу ёдгорлик деворларида сақланиб қолган суратлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Баланд тепаликда қад қўтарган божхона биносининг икки томони тоғлар билан қуршалган. Ривоят қилишларича, бир пайтлар божхона атрофида соқчилик назорати ҳам ўрнатилган экан. Тавка қўрғони V–VI асрларда Қуфтон ҳокимларининг қароргоҳи вазифасини ҳам ўтаган.

Археолог олимларнинг тадқиқотлари туфайли божхона биносининг 2 та зали, айвонлари, йўлаклари борлиги аниқланган. Божхона биносининг деворларида ишланган суратларда эса ўша давр аслзодаларининг гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ёввойи ҳайвонларни овлаш жараёни акс эттирилган. От елдириб бораётган чавандозлар, от туёқлари орасида жон сақлашга интилаётган товушқон, кийиклар ҳолати моҳирона тасвирланган. Ушбу жараённи завқу-шавқ билан томоша қилаётган киз-жувонларнинг суратлари ҳам сақланиб қолган. Тавка қўрғони деворий суратлари Кушон даври тасвирий санъати анъаналарининг ривож топиб, янгича тус, ранг йўналиш олганлигини кўрсатади. Тавка қўрғони божхонаси ўзбек давлатчилиги тарихининг қадим-қадимларга бориб тақалишидан яна бир бор далолат беради.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!



БОЙСУН

Бойсун табиати ғаройиботларга бой. Ер юзидаги энг чуқур ғор ҳам, Ўзбекистоннинг энг баланд чўққиси ҳам, илк инсониятга макон бўлган замин ҳам, шифобахш булоқлар, тортиш кучи пастанд юқорига бўйсунувчи ғайритабиий ҳудуд ҳам айнан шу ерда жойлашган. Тоғ чўққиларида ёзнинг чилласида ҳам корни учратиш мумкин. Баҳор келиши билан қир-адирлар эрта баҳордан дарак бериб, қизил лолаларга бурканиб олади. Шу тарзда, бу ерда табиат фаслма-фасл ўз гўзаллигини намоён этади. Ўсимлик дунёси ҳам хилма-хил, ёввойи ва маданий ўсимликлар тоғларда, тоғ ёнбағирларида ва адирликларда ўсади. Туманнинг ландшафти ва рельефи турлитумандир. Тоғ ва тоғ олди адирликлари, тоғ ёнбағри текисликлари, дарёлар водийси асосий табиат зонасини ташкил этади.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!

ҚОРОНҒУ ЮЛДУЗ

Бойсун туманининг Хўжа ғурғур ота тоғида денгиз сатҳидан 3720 метр баландликда жойлашган Ўзбекистоннинг «ер ости Жомолунгмаси», «Тескари Эверест», «Қоронғу юлдуз» ёки дунёнинг энг чуқур ғори номига даъвогар ғор мавжуд. Ғор 1984 йилда тадқиқотчилар томонидан аниқланган ва узоқ йиллар давомида дунёнинг турли мамлакатлари ғоршунослари томонидан тадқиқ қилинмоқда. Денгиз сатҳидан 3720 метр баландликдаги Бойсун тоғ тизмасининг Хўжа ғурғур ота тоғи 300 метрлик тик деворга эгадир. Ғорга кириш учун ана шу тик деворнинг қарийб ўртасига, яъни 160 метр баландликка чиқмоқ лозим. Тадқиқотчилар ғорнинг туби 2,650 метрдан иборатлигини айтишган ва спелеолог-ғоршунослар томонидан ҳозиргача 1158 метрлик қуйи нукта забт этилган.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!



МАЪДАНЛИ СУВ БУЛОҒИ

Бойсун туманидаги яна бир шифобахш масканлардан бири бу – Омонхонадир. Омонхона қишлоғида 100 ўринли виқорли замонавий иншоот, яъни бальнеологик даволаш маскани бўй қўтарган бўлиб, муассасада даволанувчилар, асосан Омонхона булоғининг маъданли суви муолажаларидан кўпроқ фойдаланадилар. Шифобахш сувни истеъмол қилишади, булок суви ҳаммомларини қабул қиладилар. Шунингдек, сиҳатгоҳда қўшимча равишда электротерапия, массаж, фитотерапия, диагностика, УЗИ каби ўнлаб хизматлар йўлга қўйилган. Бир йилда 1400 нафарга яқин юртдошларимиз Омонхона бальнеологик даволаш масканига ташриф буюради. Омонхона ғори – унинг баландлиги 3,5 метр, умумий майдони эса 60 квадрат метрни ташкил этади. Бу ғорда ғаройиб ҳодисани кузатиш мумкин, яъни саратоннинг чилласида ғор ичидаги ҳарорат 5–6 даража совуқ, қишда эса 20–22 даража илик бўлади.

Бойсунликлар орасида Омонхона тарихи ҳақида турли ривоятлар юради. Айтишларича, Соҳибқирон Амир Темурнинг лашкари шу водийга келганда ҳолдан тойиб қолади. Бунинг устига аскарлар бирин-кетин касалликка чалинади. Сўнгра улар Омонхона сувидан ичиб, ана шу ғор салқинида тин олиб, яна куч-қувватга тўлади. Ривоятдан шундай хулосага келишимиз мумкинки, ушбу манзил қадимдан эл-у халқнинг сиҳат-саломатлигини тиклашга хизмат қилган.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!

ЮНЕСКО ҲИМОЯСИГА ОЛИНГАН МАРКАЗ

Бойсун амалий санъати миллий маркази – музей, устахона ва дўконлардан иборат. Бу ерга ташриф буюрган киши уста хунармандларнинг қўл меҳнати билан тайёрланган анъанавий маҳсулотларни сотиб олиш ва тайёрланиш жараёнини кўриш имконига эга бўлади.

Марказда жами 16 киши фаолият юритади. Бу ерда ипларни айёрлаш, бўяш, тўқиш ва маҳсулотларни тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ тўлик жараёнини кузатиш ва ушбу жараёнда бевосита иштирок этиш ҳам мумкин.

Шунингдек, марказ ўз музейига ҳам эга бўлиб, ЮНЕСКО уни ҳимоясига олган.



ШЕРОБОД

Тумандаги энг сўлим гўша бу – Абу Исо Имом Термизий мақбарасидир. Бу ерга ташриф буюрган киши албатта бунинг гувоҳи бўлади. Кўнгилларга ҳам рухан ҳам маънан озуқа берувчи бу маскан зиёрат туризмнинг бир бўлаги ҳисобланади.

Мақбара 824–892 йилларда яшаган Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суллаймий Буғий Термизийга атаб қурилган. Имом Термизий ёшлиқдан ўта зийраклиги, хотирасининг кучлилиги, ноёб қобилияти билан ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида кизиқиш билан ўрганган, бу борадаги билимларини янада ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларига борган. Устози Имом Бухорий билан 5 йил биргаликда Нишопурда яшаган. Ўз навбагида Имом Бухорий ўз шогирдини мактаб, камтарлик билан:

«Сиз мендан баҳра топгандан кўра, мен сиздан кўпроқ баҳра топдим», деган. Бу Термизийга берилган жуда қатта баҳо эди. Унинг асарлари авом халқ учун содда ва раван тилда ёзилганлиги билан ислом оламида ажралиб туради.

Абу Исо Имом Термизий асарлари:

- «Ал-Жомий ас-саҳаҳ» – «Ишонарли тўплам»;
- «Аш-Шамоил ан-Набавия» – «Пайғамбар алайҳис-саломнинг шакл ва сифатлари»;
- «Ал-Илал фил-Ҳадис» – «Ҳадислардаги иллатлар»;
- «Рисола фил-хилоф вал-жадал» – «Ҳадислардаги

ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»;

– «Ат-Тарих» – «Тарих»;

– «Китоб уз-зуҳд» – «Зоҳидлик китоби»;

– «Китоб ул-асмо вал-қуно» – «Исмлар ва кунялар китоби» ва бошқалар. Абу Исо Имом Термизий мақбарасига XI–XII асрларда асос солинган бўлиб, 2016–2017 йилларда Абу Исо ат-Термизий мажмуасида улкан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, мажмуа ҳудудида 450 ўринли масжид, эркаклар ва аёллар таҳоратхонаси, ошхона қурилди. Ҳовли қисмида бешта шарқона услубдаги айвончалар ва учта дарвозалар ўрнатилди. Имом Термизий мақбараси қайта таъмирланиб, унинг ёнига кўшимча зиёратгоҳ бунёд этилди.



Сурхондарё. Жаннат макон, ўлкага марҳамат!

СЕҲРЛИ ОВ МАРОСИМИ

Ер юзининг санокли жойларида қоятош суратлари аниқланган ва улар ноёб санъат асарлари ҳисобланади. Худди шундай, инсоният томонидан яратилган илк санъат намуналаридан бири Ўзбекистон ҳудудидан топилган Зараутсой қоятош суратларидир.

У Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбида Қўхитанг тоғининг шарқий ён бағрида, Термиздан 100–110 км шимоли-ғарбда, Шеробод тумани Қизил олма қишлоғидан 5 км шимолда Зараутсой дарасида жойлашган. Зарауткамар ғоридан мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб чизма тарзида контур ва соя услубида қизил ангоб (охра) билан чизилган 200 дан ортиқ расмлар 1912 йилда топилган. Зараутсой расмларида одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи букаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар, никобланган одамлар, ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб ишланган сеҳрли ов жараёнлари ниҳоятда таъсирли қилиб ишланган. Зараутсой қоя тош суратлари орасида ўрта асрларга оид арабча «Муҳаммад» деган ёзувлар ҳам топилган.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!


ТАБИАТ ИШБОМ ЭТГАН ШИФО МАСКАНИ

Ўзбекистонда, хусусан Шеробод туманининг Хўжаикон туз ғорида бир неча йиллардан буён санатор-курорт даволаш услуги ривожланиб келмоқда. Туз ғори 1989 йилда очилган. Туз ғорида соғломлаштириш профилактикаси усули билан даволаш тури Спелеотерапия деб аталади. Спелеотерапия – нафас олиш йўллари: астма, сурункали бронхит, зотилжам асоратлари каби касалликларни даволайди.

Иммунитети пасайган ва бир хил тери касалликларга йўлиққан беморларга ҳам туз ғорларида вақтини ўтказиш жуда фойдали натижа беради. Хўжаикон туз ғорининг бошқа туз ғорларидан афзаллиги иқлими куруқ ва денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлаш ганлигидир. Хўжаикон туз ғорининг узунлиги 155 метр, хажми 900 метр³, ғорнинг ичида 5 та даволаш хоналари мавжуд бўлиб, хоналар бир-биридан ҳарорати, намлиги, босими ва микроэлементлари билан фарқ қилади.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!



МЕТЕОРИТЛИ КЎЛ

Сурхондарё вилоятининг ғарбида, нисбатан унчалик катта бўлмаган, эни 800 метрга тенг Канбешбулок кўли Хамкон табиий чегара худудида жойлашган бўлиб, ноёб кўл ҳисобланади. Чунки, у табиий ёки сунъий тарзда ҳосил бўлмай, метеоритни кулаши натижасида ҳосил бўлган кратерда юзага келган кўлдир. Унинг кўплаб аломатлари кулаб тушган метеоритни изини эслатади ва ҳақиқий табиатнинг космогоник ёдгорлиги ҳисобланади. Кўл яқинидаги тупроқ ва дарё куми таркибида метеоритларнинг ерга зарбаси натижасида юқори ҳарорат таъсирида пайдо бўла диган кўплаб тектитлар (майда шишасимон жисмлар) топилган. Қашқадарё хавзасини шарқий томондан ўраб турган тоғларда эса йирик ковакли ва шишасимон метеорит парчалари ҳамда космогоник характерга эга бўлган бошқа тошлар ҳам учрайди. Ўрта Осиё метеоритларини ерга кулашининг вақти 100 минг, баъзи маълумотларга кўра эса, миллион йиллар олдин рўй берган. Ушбу кўл кратерига таширф буюришни ва «қоинотга назар солишни» асло унутманг, чунки метеоритлар бу куёш ва сайёралар конденсациясига сабаб бўлган модда қолдиқлари ҳисобланади.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!

БЕТАҚРОР ТАБИАТ ТУҲФАСИ

Вилоятдаги умумий майдони 24554 га. тенг бўлган «Сурхон давлат кўриқхонаси» табиатига бўлган қизиқиш нафақат Ўзбекистон аҳолиси, балки хорижий мамлакатларда ҳам ортиб бормоқда. Кўриқхона ўсимлик турларига бой бўлиб, ушбу ҳудудда 600 турдан ортиқ ўсимлик учрайди. Улардан 20 дан ортиқ ўсимлик тури камёб ва муҳофазага олинган бўлиб, «Қизил китоб»га киритилган. Туберген лоласи, Сурхон лоласи, анзур пиёзи, илонбарг пиёзи, кизил ер астрагали, Бойсун астрагали ва бошқа ўсимликлар шулар жумласидандир. Чунончи, Кўхитанг тоғидаги биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва кўпайтиришга Халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, хусусан БМТ ТД ва ГЭФ ташкилотлари ҳам ўз эътиборини қаратиб, бу борада халқаро лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланган. «Ўзбектелефильм» киностудияси томонидан ноёб ва йўқолиб кетиши хавфи остидаги ҳайвон тури – морхўр ёки бурама шохли эчки ҳақида «Морхўр изидан» телефильми суратга олинган бўлиб, республикамиз ва хорижий телеканалларда бир неча бор намоиш этиб келинмоқда.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!

САРИОСИЁ

Бу ҳудудда жойлашган Сангардак шаршараси Термиз шаҳридан 205 км масофада жойлашган. Шаршара сувлари тоғнинг 150 метр баланд қисмидан оқиб тушади ва унинг сув томчилари ерга урилиб, майда заррачалар ердан кўтарилиб, ҳавода туман ҳосил қилади. Буни кўриб киши нафақат завқланади, балки томчилар оҳангидан ҳосил бўлган мусика кишини оҳанграбодек ўзига тортади. Дарё бўйларида ёввойи ўсимликлардан: анжир, узум, тamarиска, арча ва бошқа дарахтлар ўсади. Сангардак шаршараси айникса, баҳор, ёз ва куз мавсумларида чиройли кўринади. Сангардакдан 30 км масофада Хондиза дам олиш маскани жойлашган бўлиб, у ерда ёзнинг иссиқ кунларида ҳам салқин ҳаво ҳукм суради. Дам олиш маскани ноёб ўсимликлар ўсадиган кўркам табиат қўйнида жойлашган, аҳолининг сеvimли маскани ҳисобланади. Сангардак ва Хондиза йўлида Нелу қишлоғида диаметри 22 метр бўлган кўп йиллик чинор ўсади. Чинор остида тиниқ сувли булок бўлиб, унда маҳаллий номи «Маринка» бўлган захарли балиқлар яшайди.

Шаршаралар қадимги скандинавия халқларида бошқа дунёга ўтиш дарвозаси ҳисобланган. Уларга сиғинишган, шаршаралар ёнида қурбонликлар келтиришган ва илоҳий маросимлар ўтказишган. Ҳозирда шаршараларга табиий ҳолат сифатида қаралсада, шаршаралар аввалги замонлардагидек ўз жозибаси билан одамларни ўзига тортиб келмокда. Сабаби, шаршаралардан оқиб турувчи сув инсонни дархол тинчлантиради ва бир зумда стрессларни олади. Маълумотларга қараганда, Сангардак шаршарасини ҳосил қилувчи булоқнинг манбаи қоялар ичидаги кўлда жойлашган.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!

СУВ РЕСУРСЛАРИ

Вилоятда 5 та сув омборлари мавжуд бўлиб, шулардан бири Тўпаланг сув омборидир. Унинг қурилиши 1982 йилда бошланган. Бугунги кунда тўғон баландлиги 122 метр, тўғондан тўкилган тоғ жинслари 9,1 млн. м³ ва сув омборида сув йиғиш 120,3 млн. м³ ни ташкил этади.

Тўпаланг сув омбори табиат кўринишларига бой энг жозибador маскандир. Вилоятнинг асосий сув манбаи Сурхондарё эса, жанубий Ҳисор тоғ тизмаларидан оқиб тушувчи Қоратоғ ва Тўпалангдарё сувларининг қуйилиши натижасида пайдо бўлади ва Амударёнинг ўнг ирмоғи ҳисобланади. Сурхондарё тожикча «Қизил дарё» маъносини англатади. Дарёнинг узунлиги 175 км, ҳовуз майдони 13 500 км² ни ташкил этади. Июндан август ойигача дарё сувга тўлади. Ўртача сувнинг сарфланиши 6 км масофада Мангузар бошидан 65,8 м³/с ташкил этади. Дарёда Жанубий Сурхон сув омбори ҳам жойлашган.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!



ҲАМ ЗИЁРАТ, ҲАМ ТАБОБАТ



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!

ЕР ОСТИ МЎЪЖИЗАСИ

Термиз – Денов туристик йўналишида жойлашган Хўжаипок сихатгоҳи ҳам табобат ҳам зиёрат маскани ҳисобланади.

Хўжаипок номи Абдурахмон ибн Анд хазратларига берилган нисбат. Ушбу ғор Кенаги тоғ этакларида жойлашган. Ғорнинг узунлиги мутахассислар томонидан тўлиқ ўрганилмаган. Ғорнинг юза қисмидан қайнаб чиқадиган шифобахш булоқ суви 45 метрдан, кичик ер ости дарё сувидан оқиб келади. Ғордан секундига 200 литр сув оқиб чиқади. Сув таркиби Семашко номли илмий текшириш маркази лабораторияси томонидан текшириб кўрилганда натрий, калий, кальций, гидрокарбонат натрий, кремний кислотаси, азот, темир, алюминий ва бошқа микроэлементлардан иборатлиги аниқланган.

Ғорнинг 1 литр суви таркибида 10–11 мл.гр олтингугурт мавжуд бўлиб, тери, ошқозон-ичак, артрит, асаб касалликлари, акушер-гинекологик касалликларига даво. Ғор ичида табиий ҳаммомлар ҳам мавжуд. Ғордан келадиган сувни шифобахшлигини одамлар қадимдан билганлар ва ундан фойдаланганлар.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!

МАДАНИЙ КЎНГИЛОЧАР ТАДБИРЛАР ВА МИЛЛИЙ ХАЛҚ ҲАМЛАРАРИ

Наврўз умумхалқ сайли – бу байрам эрта баҳордан дарак берувчи янгиланиш ва ёшариш байрами бўлиб, мусулмон аҳли учун янги йил байрами ҳисобланади ҳамда кун ва тун тенглашган 21 март куни нишонланади. «Наврўз» форсча «янги кун» деган маънони англатади.

Ушбу табиат уйғониш фаслини халқ кўтаринки кайфият билан кутиб олиб, баҳор миллий таомлари ҳисобланган сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара каби кўплаб миллий таомлар тайёрлашади. Шулардан бири «Сумалак» ни қадим замонлардан то шу кунгача тайёрлаш анъанага айланган.

Сумалак ўстирилган бугдой шарбати ва сув аралашмасидан тайёрланиб, уни тайёрлашга нақ бир кун керак бўлади. Албатта, бу таомни тайёрлаш учун кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлар ва қиз-жувонлар иштирок этишади. Балки шу сабаб, бу таомни номи форсча «Си малак» яъни, ўттиз малак деб аталади. Шу тарзда ўзбек байрамларининг барчаси халқ билан биргаликда кенг нишонланади. 2001 йилда Бойсун маданий кенгликлари, унинг ноёб урф-одатлари, миллий кийимлари, халқ оғзаки ижоди намуналари, чанковуз оҳанглари ЮНЕСКО томонидан «Оғзаки ва номоддий маданий мерос дурдоналари» сифатида эътироф этилиб, 2008 йил да инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди. Шундан сўнг, «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивали анъанавий тарзда ўтказила бошланди. Бу фестивалда турли ҳудудлар, ҳаттоки кўшни давлатлардан ташриф буюрган фольклор жамоалар ўзларининг чиқишлари ва миллий урф-одатлари билан иштирок этиб, халқ амалий санъати намуналарини намойиш этишади ва бу фестивал Бойсун туманининг Паданг кенгликларида ҳар йили апрель ойида ўтказилади.



МОҲИР ЧАВАНДОЗЛАР ХАЛҚ ҲИЙИНИ - КЎПКАРИ

Ўзбекистон ҳудудида деярли барча байрамлар ва муҳим тадбирлар халқ сайллари тарзида ўтказилади. Бу анъана илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади ва бутун халқ ҳозирги кунгача байрамларни бирга нишонлашни хуш кўришади. Худди шундай сайлларда моҳир мерганлар, чавандозлар ва ҳунармандлар ўз санъатлари ҳамда маҳоратларини кўрсатади ва бу анъанага айланган. Кўпқари бу моҳир чавандозлар беллашадиган халқ ҳиЙинларидан бири. Унда от чоптириш учун катта кенглик танлаб олинади ва бу кенглик 1,5 км гача бўлади. Унинг охири марра деб аталиб, куйи марра учун кичик совғалар, юқори марра учун катта совғалар белгиланади. Марра диаметри 20 метрли майдон бўлиб, чавандоздан эса ўлжани, яъни улоқчани олиб, уни кўйиб юбормай ана ўша маррага етказиш талаб қилинади. Ғолиб чавандозларга туя, гиламлар, қимматбаҳо буюмлар ва кўп миқдордаги пуллар берилган. Қадимдан бу каби миллий ҳиЙинлар халқ орасида қадрланган ва севиб томоша қилинган.



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР

Сурхондарё вилояти иқлими жуда иссиқ бўлганлиги сабабли, аҳолиси асосан гўшт маҳсулотларини тановул қилишади. Вилоят таомномасининг деярли барчасида, гўштли миллий таомларни учратиш мумкин. Тандир, чўпонча, жиз, шашлик, қайнатма шўрва, биқтирма шўрва, ош, манти, сомса ва бошқа таомлар шулар жумласидандир.

Булар орасида «Тандир гўшт»ни пиширишда сурхондарёликларга тенг келадигани йўқ. Бўлақланган кўй гўштига арча дарахтининг шаббаларини аралаштириб, махсус тандир иссиғида пиширилиши, бу таомга ўзига ҳос хушбўй хид ва бетакрор мазза беради.

Бизнинг заминимизга милодий VII асрда сайёҳ сифатида ташриф буюрган Сюань Цзянь ўз эсдаликларида ҳам, бу ҳудуд аҳолиси асосан сут ва хамирдан тайёрланган таомларни, айниқса, гўштни севиб истеъмол қилиши, шу сабаб, улар бакувват ва тетик кўриниши ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган.









БАХШИЧИЛИК ВА ФОЛЬКЛОР САЊАТИ



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!

ХАЛҚ АМАЛИЙ САЊЪАТИ



Сурхондарё. Жаннатмакон ўлкага марҳамат!





Ташкил топган санаси: 6 март 1941 йил
 Майдони: 20,1 минг км²
 Аҳолиси: 2,5 млн.
 Чегара узунлиги: 664,7 км

Қўшни давлатлар билан чегарадошлиги:

Тожикистон билан – 343,1 км;	343,1 км;
Афғонистон билан – 143,0 км;	143,0 км;
Туркменистон билан – 93,3 км;	93,3 км;
Қашқадарё вилояти билан – 85,3 км.	85,3 км.

Маркази: Термиз шаҳри

Этник таркиби:
 ўзбек, тожик, туркман, рус, татар, корейс, қozoқ ва бошқалар

Маданий масканлар:
 Санъат саройи, Археология музейи

Зиёратгоҳлар:
 Буддавийлик иншоотлари,
 Православ черкови

Сўлим гўшалар:
 Сангардак шаршараси, Зовбоши маскани, Омонхона, Хўжаипок,
 Хўжаикон туз ғори

+ (998 71) 200-00-88

UZBEKISTAN.TRAVEL

1163



UZBEKISTAN.TRAVEL



@UZBEKISTAN TRAVEL



UZBEKISTAN TRAVEL



UZB_TRAVEL